

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2014 йил 28 январь, № 19 (5949) Сешанба


### «Ўзбекистон ҳаво йўллари»:

# КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

*Истиқлол йилларида мамлакатимизда иқтисодиётнинг барча соҳалари қаторида транспорт-коммуникация тармоғи ҳам жадал ривожланмоқда. Айниқса, амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самараси ўлароқ, юртимиз фуқаро авиациясининг яхлит тизими шакллантирилиб, у изчил такомиллаштирилиб борилаётгани диққатга сазовор. Бунда, айтиш мумкинки, давлатимиз раҳбарининг 1992 йил 28 январдаги Ўзбекистон Миллий авиакомпаниясини ташкил этишга оид Фармони муҳим дастуриламалдир. Нега деганда, ушбу ҳужжатда авиапаркни тубдан янгилаш, инфратузилма объектларини модернизациялаш, соҳага техник ва технологик ноу-хауларни кенг татбиқ этиш, кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилди, стратегик дастурларни рўёбга чиқариш учун эса зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилди.*

ЖАРАЁН

### Янгиланган авиапарк ва сўнгги русумдаги лайнерлар

Кўзда тутилган дастурларни босқичма-босқич амалга ошириш натижасида охирги уч йил ичида компания авиапарки ўнта “А-320”, тўртта “Боинг-767-300ER” авиалайнери билан тўлдирилди. Айни пайтда ўзимизнинг замонавий “Ил-114-100” самолётларидан муваффақиятли фойдаланиш йўлга қўйилди.

Таъкидлаш керакки, бу жараёнда, аввало, хорижнинг нуфузли авиасаноат вакиллари билан ишончли шериклик муносабатлари ўрнатилгани алоҳида аҳамият касб этмоқда. Жумладан, “Боинг — фуқаро самолётлари” компанияси президенти, “Боинг” корпорацияси вице-президенти Рэймонд Коннернинг мамлакатимизга ташрифидан сўнг ўзаро ҳамкорликнинг ёруғ истиқболига асос солинди.

(Давоми 2-бетда).



2013 йилда МАК самолётлари томонидан 24 минг 559 та қатнов амалга оширилиб, уларнинг хавфсизлиги таъминланди. Қарийб **2 677 500** нафар йўловчи манзилига етказилди.








БОЛАЛАР СПОРТИ

*Жисмонан соғлом, маънавий етук авлодни тарбиялашда спортнинг ўрни беқиёс. Шу боис истиқлолнинг илк йилларидаёноқ Президентимиз раҳнамолигида мазкур соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бундай ғамхўрлик эса амалда ўзининг ёрқин самараларини бераяпти.*

## Фарзандлар камоли — олий саодат

Хусусан, бугун йигит-қизларимиз нафақат мамлакат миқёсидаги спорт мусобақаларида, балки кўплаб халқаро турнирлар, қитъа ҳамда жаҳон чемпионатлари, Олимпиада ўйинларида муносиб иштирок этиб, ҳеч кимдан кам эмасликларини исботламоқдалар. Уларнинг шарафига давлатимиз байроғи баланд кўтарилиб, мадҳиямиз баралла янграганда, кўнглимиз чексиз ғурурга, фахру ифтихорга тўлаётир.

Дарҳақиқат, баркамол фарзандлар юрт тараққиёти, жамият равнақида муҳим ўрин тутади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, улар онгида спортга муҳаббат туйғуларини шакллантириш борасида ўтган йиллар давомида кўлами ҳамда аҳамияти жиҳатидан ибратли ишлар бажарилди. Бугун қайси шаҳар, туман ёки олис қишлоқ ҳудудига борманг, кўркам ижтимоий-маиший бинолар қаторида бири-биридан чиройли, муҳташам спорт мажмуалари, стадионлар ва иншоотларга кўзингиз тушади. Уларда минглаб болаларнинг ўзлари севган спорт турлари билан шуғулланаётгани эса ҳавасингизни келтиради.

Хоразм вилоятида ҳам бу борада эзгу саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқдаки, бунинг натижасида минг-минглаб ўғил-қизлар қалбида соғлом ҳаётга бўлган интилиш ва иштиёқ кучайди.

(Давоми 4-бетда).

ҚАРОР ВА ИЖРО

*Тошкент шаҳрида Президентимизнинг 2008 йил 31 октябрдаги “Аҳолининг омонатларини жалб қилиш бўйича республика тижорат банклари ўртасида танлов ўтказиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ташкил этилган анъанавий кўрик-танловнинг 2013 йил якунлари бўйича ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.*

## Йилнинг энг яхши банки аниқланди

Маълумки, ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг ривожи, кўп жиҳатдан, молия муассасалари кўмагига боғлиқ. Зеро, давлатимиз раҳбари алоҳида қайд этганларидек, биз оддий бир ҳақиқатни доимо эсда тутишимиз даркор. Яъни сармоясиз тараққиёт йўқ, ишлаб чиқаришни ва умуман, мамлакатимизни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни инвестицияларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Юртимизда банк тизимини ривожлантириш ва ислоҳ этиш масаласига устувор вазифалардан бири сифатида жиддий эътибор қаратилаётганининг боиси шунда. Натижада банкларнинг ресурс базаси кенгайиб, улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифати тубдан яхшиланаяпти. Бугунги кунда тижорат банкларининг жами капитали 2000 йилдагига нисбатан 46 баробардан зиёд кўпайиб, капиталининг етарлилик даражаси 24,3 фоизни ташкил этаётгани, бу эса банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан белгиланган талабдан уч баробар кўп эканлиги шундай дейишимизга асос бўлади.

Тижорат банклари ўртасида ўтказилаётган кўрик-танлов эса аҳолига банк хизматлари кўрсатиш кўламини янада кенгайтириш, соҳада тўпланган илғор тажрибаларни оммалаштиришда муҳим омил бўлаётир. Аслида, бундан кўзланган асосий мақсад ҳам аҳоли бўш пул маблағларини банклардаги омонатларга жалб қилишда тижорат банкларини қўшимча рағбатлантириш ва уларнинг фаолиятини кучайтириш, банкларнинг инвестициявий имкониятларини янада кенгайтириш учун ресурс базаларини мустаҳкамлаш, энг муҳими, омонатларни жалб этишда соғлом рақобат муҳитини шакллантиришдан иборатдир. Ўтган қисқа давр ичида эса ушбу мақсад-муддаоларга тўла эришилди, десак, муболаға бўлмайди. Республикамизда ҳар юз минг катта ёшдаги аҳолига 49,7 та банк муассасаси тўғри келаётгани, ҳар минг киши номига 1 минг 28 та банк ҳисоб рақами очилгани бунинг яққол тасдиғидир.

(Давоми 4-бетда).

*Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди.*

## Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида

Унда Бош прокуратура ҳамда Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг таркибий тармоқлари раҳбарлари, шунингдек, вилоятлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, вилоятлар прокуратураларининг тегишли тармоқ раҳбарлари, департаментнинг ҳудудий бошқармалари бошлиқлари иштирок этди.

Ҳайъат мажлисида прокуратура органларининг мамлакатда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги 2013 йилдаги фаолияти якунлари муҳокама қилинди. Айниқса, Президентимиз Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан келиб чиқиб, прокуратура органлари, олдида турган вазифаларни амалга оширишга устувор аҳамият қаратилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан прокуратура органларига берилган топшириқдан келиб чиққан ҳолда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган қонун ҳужжатлари талабларининг аниқ ҳамда сўзсиз ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб, бундай субъектларнинг ҳуқуқий ҳимоясини янада кучайтириш лозимлиги таъкидланди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятига ҳар қандай ноқонуний аралашув иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича давлат дастурлари талабларига зид хатти-ҳаракат сифатида баҳоланиб, қоидабузарларга нисбатан қонунда белгиланган жавобгарлик чоралари қўлланиши, тадбиркорларга амалий ёрдам кўрсатиш, муаммоларини қонун доирасида ҳал этиш борасидаги прокурорлик назоратини изчиллик билан давом эттириш ҳақида аниқ кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, ҳайъат мажлисида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, соғлиғини сақлаш, кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, иш ҳақини ўз вақтида тўлаш,

(Давоми 2-бетда).

## «ГФР Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдордир»

*Ўзбекистон Республикасини 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари Германия Федератив Республикаси экспертлари доирасида ҳам катта қизиқиш уйғотди. Немис жамоатчилиги вакилларининг “Жаҳон” ахборот агентлиги мухбирига билдирган қуйидаги мулоҳазалари ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди.*

БИЗ ВА ЖАҲОН

**Удо ФЕЛЬКЕР, “CLAAS” компанияси катта маслаҳатчиси, «JV MAN Avto-Uzbekistan» қўшма корхонаси кузатув кенгашининг аъзоси:**

— Ўзбекистоннинг барқарор ўсишни таъминлашга йўналтирилган саъй-ҳаракатлари ижобий баҳога сазовордир. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг юқори кўрсаткичлари Президент Ислом Каримов раҳбарлигида бу йўналишда олиб борилаётган изчил сиёсатнинг натижаси ҳисобланади.

Ўзбекистон томонидан тақдим этилган кенг сармоявий имкониятлар немис бизнеси вакилларида қизиқиш ва ишонч уйғотгани ўзаро иқтисодий ҳамкорлик кўламларини кенгайтиришга кўмаклашаётир. Бугунги кунда ўзбек бозорида немис сармоядорлари иштирокидаги 120 дан зиёд корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар орасида Германиянинг “MAN”, “CLAAS”, “Knauf” сингари йирик концерн ва компаниялари ҳамда бошқа кўплаб фирмалар бор. Буларнинг барчаси узоқ муддатли шериклик учун яхши истиқболларни очгани баробарида, иқтисодиёт жабҳаси тараққиётига жалб этиладиган немис сармояси ҳажмини кўпайтиришга кўмаклашмоқда.

**Эдгар КЛОЗЕ, профессор, Бранденбург Технология ва сармояларни ривожлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш институти бошқарувининг раиси:**

— Президент Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида келтирилган Ўзбекистон макроиқтисодий кўрсаткичлари ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Мазкур кўрсаткичлар барча йўналишларда мамлакат эришган ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг кўламлари қай даражада диққатга сазовор эканлигидан далолат беради.

Ушбу муҳим маъруза Германия — Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг янги қирраларини белгилаб олиш имконини ҳам яратадики, бу икки томонлама муносабатларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. ГФР Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдордир.

**«Жаҳон» АА.**
Берлин

## Олий хўжалик суди Раёсат йиғилиши

*Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг кенгайтирилган Раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда хўжалик судларининг ўтган йилдаги фаолияти таҳлил қилинди ҳамда Президентимизнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган устувор вазифалар белгилаб олинди.*

САРҲИСОБ

Таъкидланганидек, юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг фаолиятига тўсиқ бўлаётган ҳолатларни бартараф этишга қаратилган ишлар ўтган йилда ҳам изчиллик билан давом эттирилди. Хўжалик судларининг ушбу даврдаги фаолияти бевосита ана шу масалаларга қаратилди. Муҳими, бундай чора-тадбирлар туфайли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодиётида тутган роли ва ўрни тобора мустаҳкамланмоқда. Биргина ўтган йилда юртимизда 26 мингдан зиёд кичик бизнес субъектлари иш бошлагани, ушбу секторда фаолият кўрсатаётган корхоналар умумий сони йил охирига келиб 190 мингтага етгани, бугун мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг қарийб 55,8 фоизи мазкур соҳада ишлаб чиқарилаётгани ҳам шундан далолат беради. Жами саноат маҳсулотларининг 23 фоизи, кўрсатилаётган бозор хизматларининг деярли барчаси, маҳсулот экспортининг 18 фоизи, иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд аҳолининг 75 фоизи кичик бизнес улушига тўғри келаётгани ҳам амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарасидир.

Йиғилишда ўтган йили хўжалик юритувчи субъектлар, тадбиркорлар ва давлат органларидан хўжалик судларига келиб тушган 235 мингдан ортиқ ариза ва даъво аризалари мазмунан кўрилиб, ҳал этилгани алоҳида таъкидланди. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, фермер хўжаликларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоялашга оид 23 мингдан зиёд ишлар кўрилган ва уларнинг фойдасига 322,5 миллиард сўмлик маблағларни ундириш ҳақида қарорлар қабул қилинган.

(Давоми 2-бетда).

# хабарлар

Янгиликлар, воқеалар,

*■ Янгийўл туманидаги “Mustafo consalting group” масъулияти чекланган жамияти қошида ташкил этилган янги тикув цехи маҳсулотлари ёрлиқларида “Made in Uzbekistan” деган ёзув бор.*

## Экспорт бўйича дастлабки келишув

Чунки ушбу корхонада тайёрланаётган кийим-кечакларни хориж бозорларига ҳам чиқариш кўзда тутилган.

— Бунинг учун имкониятимиз етарли, — дейди цех бошлиғи Абдубосит Йўлдошев. — Қирқ кишилик жамоамизда моҳир дизайнер ва чеварлар, шунингдек, яқинда коллежни тамомлаган изланувчан ёшлар кўп. Улар миллий ва замонавий андозалар асосида 20 хилдан ортиқ янги кийим-кечак моделларини ишлаб чиқишди. Айни пайтда Япониядан келтирилган энг сўнгги русумдаги тикув дастгоҳлари ёрдамида табиий толали матолардан кунига 1000 донадан зиёд бежирим либослар тайёрлаяпмиз.

Изланишлар зое кетмади. Корхона мутасаддилари чет эллик буюртмачилар билан маҳсулот экспорт қилиш юзасидан дастлабки келишувга эришдилар.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*■ Конимех туманида нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган “Шоҳсанам-Мунаввар” хусусий корхонаси иш бошлади.*

## Юқори сифат омили

Айни пайтда бу ерда 15 турдаги нон ҳамда ширинликлар тайёрланмоқда.

— Ихчам ва унумдор хориж технологиясининг афзаллиги шундаки, — дейди корхона раҳбари Шерзод Орипов, — бунда электр энергияси сарфи икки баробаргача тежалади.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*■ “Юқори Олот саховати” масъулияти чекланган жамиятида балиқ етиштириш йўлга қўйилди. Бунинг учун корхона тадбиркорлари томонидан икки гектар майдонда сунъий кўл барпо қилинди.*

## Сунъий кўл саховати

Олот тумани ҳудудида жойлашган мазкур ҳавзада йилига тўққиз тоннагача балиқ етиштириш мумкин. Умумий қиймати 30 минг АҚШ долларилик янги бизнес лойиҳасини амалга оширишда тадбиркорлар ўз сармоялари ҳамда банк кредитидан самарали фойдаландилар.

Диққатга молик жиҳати, ўтган йили вилоятда балиқчилик, чорвачилик, паррандачилик ва асаларичилик тармоқларини ривожлантиришга қаратилган дастур доирасида умумий қиймати 47,4 миллиард сўмлик 110 та лойиҳа амалга оширилиб, 384 та иш ўрни яратилди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

**«Ўзбекистон ҳаво йўллари»:**

# КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ





(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Республикамизга 2016 йилда жабҳанинг энг сўнгги инновацияларини ўзида мужассамлаштирган иккита “Боинг-787-8 Дримлайнер”ини олиб келиш мўлжалланаётир. Улар нафақат юртимиз фуқаро авиацияси безагига, балки халқимиз ва чет эллик меҳмонларнинг узоғини яқин қилишда энг қулай транспорт воситасига айланиши, шубҳасиз.

### Илғор техник хизмат ва Тренажёр маркази

Ўзаро манфаатли ҳамкорлик “Uzbekistan airways technics” авиакорхонаси билан ҳам давом эттирилаётгани эътиборга молик. Шу кунларда мазкур корхона негизида Композицион материаллардан тайёрланган самолётлар конструкциясининг йирик қисмларини таъмирлаш минтақавий марказини ташкил этиш бўйича ишлар олиб борилаётир. Янги авлод ҳаво кемалари асосий қисмининг эллик фоизи шундай маҳсулотдан ясалганини инобатга олсак, янги марказ авиакомпания ривожи ҳамда экспорт имкониятларини янада юксалтиришда навбатдаги салмоқли қадам бўлиши муқаррар.

Ўз навбатида, жаҳонда ҳаво транспорти воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш соҳасида етакчилардан бири бўлмиш “Lufthansa Technik AG” корхонаси билан йигирма йилдан зиёд вақт мобайнида изчил ҳамкорлик қилиб келинаяпти. Гап шундаки, пишиқ-пухта техник база ва юқори малакали ходимларга эга UATнинг барча хизматлари халқаро сертификатлар билан тасдиқланган. Бу эса истиқболли лойиҳаларни ҳаётга жорий этиш, уларнинг кўламини янада кенгайтиришда айни муддао бўлаяпти. Ушбу жараёнларда эса корхонанинг малакали ходимлари қаторида истеъдодли ва умидли ёшлар ўз меҳнати, ғоялари ва ташаббуслари билан фаол иштирок этмоқда.

— Мана шундай масъулиятли жойда фаолият юритиш биз, ёш авлод вакиллари учун катта шарафдир, — дейди авиакорхона авиатехниги Мурод Тоҳиров. — Яқинда давлатимиз раҳбарининг Фармонига мувофиқ, “Шуҳрат” медали билан тақдирландим. Мамлакатимизда ёшлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, уларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллаши учун барча шарт-шароит яратилган экан, бунга жавобан она-Ватан тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш фарзандлик бурчимиздир.

Мурод каби иқтидорли ёш ходимлар миллий ҳаво йўллари тизимида кўплаб топилади. “Шуҳрат” медали соҳиби, МАК Учувчилар мажмуаси “Боинг” ҳаво кемаси иккинчи учувчиси Рустамжон Бўрибоев — шулардан бири.

— Компаниямизда учувчиларнинг билим ва малакасини ошириш, парвозга лаёқатлилигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди у. — Хусусан, Ўқув-машқ марказининг Тренажёр мажмуасида “Боинг 757/767”, “А-320”нинг замонавий тренажёрлари, “Ил-114-100”нинг ноёб “Фулл-флайт” симуляторлари ўрнатилгани экипаж аъзоларига реал воқелик шароитида машқ қилиш имконини бераяпти.

### Барчаси халқаро мақомга эга

Авиапаркимиз қанчалик янгиланаётган бўлса, аэропортлар моддий-техник базаси, салоҳияти ҳам шунга яраша тобора мустаҳкамланмоқда. Айтайлик, давлатимиз раҳбарининг инфратузилма, транспорт ва коммуникация қурилишини жадаллаштиришга оид қарорлари ижроси туфайли жойларда дунё мезонларига тўла жавоб берадиган учиш ва қўниш майдонлари, йўловчилар перрони, аэродром, вокзал каби объектлардан иборат, миллий ва жаҳон меъморчилик анъаналарини ўзида ифодалаган иншоотлар барпо этилди.

Эътиборли жиҳати, 2013 йилда МАКнинг барча аэропортлари халқаро мақомга эга бўлди. Бунда, албатта, уларда парвозлар хавфсизлигини таъминлаш, йўловчи ва авиация техникасига хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш мақсадида кенг миқёсдаги ишлар бажарилгани, бир қатор аэровокзал мажмуаларининг ташқи қиёфаси тубдан ўзгартирилгани, йўловчи терминаллари сони кўпайтирилгани, хизмат кўрсатиш технологияси такомиллаштирилгани, мукаммал техник жиҳозлар ўрнатилгани инобатга олинди.

### Янги қатновлар, қўшимча имкониятлар

Шу ўринда “Навоий” ҳаво маскани базасидаги Интермодал логистика марказининг ишлаб чиқариш қуввати ортиб бораётганини алоҳида қайд этиш лозим. Бу Евроосиёнинг бир қатор асосий логистика марказлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилганининг самараси бўлиб, пировардида 2013 йилда Зарафшон воҳаси марказидан 25 минг тонна юк жўнатилишига эришилди.

Бундан ташқари, парвозлар географиясини кенгайтириш масаласи ҳам авиакомпаниянинг доимий диққат-эътиборида турибди. Бугунги кунда республикамизнинг барча аэропортларидан халқаро қатновлар йўлга қўйилгани, янги “Тошкент — Волгоград” йўналиши амалга киритилгани шундай саъй-ҳаракатлар натижасидир. Жорий йилги мавсум жадвалига эса “Урганч — Волгоград” рейси, Сингапур ва Владивостокка ҳам қатновларни киритиш режалаштирилган.

Миллий авиакомпания томонидан, шунингдек, “UzAirPlus” дастуридан фойдаланувчи йўловчилар учун янги “Family” картаси тақдим этилгани, мижозлар ўзлари билан қўшимча қўл юклари(уларнинг оғирлиги иқтисод-классда 8 кг., бизнес-классда 10 кг.гача)ни олиши мумкинлиги эса уларга яратилган яна бир қулайликдир.

### Ютуқлар эътирофи

Авиакомпания тизимида амалга оширилган бу каби ислоҳотлар самараси унинг ўтган йилги кўрсаткичларида ҳам намоён бўлмоқда. Чунончи, 2013 йилда МАК самолётлари томонидан 24 минг 559 та қатнов бажарилиб, уларнинг хавфсизлиги таъминланди. Қарийб 2 млн. 677 минг 500 нафар йўловчи манзилига етказилиб, 41 минг тонна юк ташилди.

Авиаташувлар соҳасидаги бундай парвозлар ва авиация хавфсизлиги соҳасида эришилган ютуқлар халқаро миқёсда ҳам эътироф этилмоқда. МАКнинг бир қатор халқаро ташкилотлар томонидан мукофотлангани, IOSA аудитидан муваффақиятли ўтгани бунинг исботидир. Тизимда парвозлар мунтазамлилиги 95 фоизни ташкил этгани эса “Домодедово” аэропортининг нуфузли танловида “Энг пунктуал авиакомпания” унвонини олишда катта роль ўйнади. Айни чоғда жаҳондаги авиакомпания лайнерлари ва аэропортларидаги сервиснинг 700 дан ортиқ қисми бўйича аудитларни амалга оширувчи “SkyTrax” мустақил рейтинг агентлиги “Ўзбекистон ҳаво йўллари” тақдим этаётган хизматлар сифатига юқори баҳо берди. Ҳаво транспорти халқаро ассоциацияси (IATA) эса 2017 йилга келиб, Ўзбекистон тижорий авиаташувлар индустриясида жадал суръатларда ривожланаётган авиабозорга айланишини башорат қилаётганининг боиси шунда.

Албатта, миллий авиакомпаниямизнинг дунё миқёсидаги нуфузи бу даражада ошишида унинг аҳил ва тажрибали жамоаси фидокорона меҳнати мужассам, шунга монанд равишда мижозлар ишончи, парвозлар хавфсизлиги юксалмоқда.

Хулоса ўрнида айтганда, мамлакатимиз фуқаро авиацияси ўзи танлаган модернизация ва тараққиёт йўлидан ишонч билан дадил қадам ташламоқда. Бу эса юртимизнинг халқаро майдондаги ўрнини янада мустаҳкамлаш, унинг нуфузини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилаяпти.

**Саиджон МАХСУМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

---

ТАДБИР

*Бугунги кунда Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида кўзда тутилган вазифалар ижросини таъминлаш, ушбу дастуриламал ҳужжатда илгари сурилган қонунчилик ташаббусларини рўёбга чиқариш бўйича фаол иш олиб борилмоқда. Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш борасида амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш, янги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш бўйича тизимли чора-тадбирлар рўёбга чиқарилаётгани эътиборга молик.*

# ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИ КЕНГАЙМОҚДА

Хусусан, Президентимизнинг 2013 йил 20 мартдаги Фармойишига мувофиқ, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонун лойиҳаси синови бўйича Самарқанд ва Бухоро вилоятларида ҳуқуқий эксперимент ўтказилди. Мазкур жараёнда давлат органлари билан бир қаторда оммавий ахборот воситалари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаол иштирок этди.

Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган давлат сиёсатининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашда ОАВ ҳамда ННТнинг салоҳиятини ошириш масалаларига бағишланган давра суҳбатида ана шуларга алоҳида урғу берилди.

Давра суҳбатида мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, ОАВ ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг демократик ислоҳотлар ошкоралиги, очиқлигини таъминлашдаги ролини кучайтириш ҳамда ижтимоий фаоллигини оширишга доир кенг қамровли саъй-ҳаракатлар хусусида фикр алмашилди.

Тадбирда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришда, хусусан, ижтимоий шериклик, жамоатчилик назоратини ўрнатишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни ва уларнинг ОАВ билан ҳамкорлиги каби мавзулар ҳамда “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонун лойиҳаси меъёрларини Бухоро ва Самарқанд вилоятларида синовдан ўтказиш бўйича ҳуқуқий эксперимент якунлари тўғрисида ахборот берилди.

Ҳуқуқий эксперимент юртимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилганлиги ҳамда давлат органлари фаолиятининг очиқлиги, ундан оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти институтлари кенг фойдаланишини таъминлашга қаратилган қонун лойиҳаси нормалари самарадорлигини аниқлаш имконини бергани алоҳида таъкидланди.

— Вилоятимизда ҳуқуқий экспериментнинг ўтказилиши фуқаролар, оммавий ахборот воситалари томонидан кенг қўллаб-қувватланди, — дейди “Самаркандский вестник” газетаси мухбири Юлдуз Ҳайдарова. — Биргина мисол, Самарқанд вилояти ҳокимлигига ҳуқуқий эксперимент мобайнида фуқаролардан, ННТ, ОАВдан 280 га яқин сўров келиб тушди. Уларнинг қарийб барчасига ўз вақтида жавоб қайтарилгани, айниқса, эътиборга моликдир. Ҳудудимиз оммавий ахборот воситаларида вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари, уларнинг ўринбосарлари, давлат бошқаруви органлари раҳбарларининг чиқишлари мунтазам ташкил қилинмоқда. Бу, албатта, ҳуқуқий эксперимент даврида эришган ютуқларимиздан биридир.

Тадбирда алоҳида таъкидланганидек, бугунги кунда ННТ ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга ошириш, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожини таъминлаш, турли аҳоли қатламлари ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоялаш борасида фаол иштирок этмоқда. Сўнгги уч йилда бундай ташкилотлар сони 22 фоиз кўпайди ва айни пайтда 6 мингтадан ошди. Эътиборли жиҳати, фуқаролик жамияти институтлари мамлакатимизда давлат органлари устидан кучли жамоатчилик назорати ўрнатишда фаол қатнашмоқда. Бу борада давлатимиз раҳбари томонидан Концепцияда илгари сурилган “Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг аҳамияти каттадир. Жамоатчилик назоратига оид қоида ва нормалар мамлакатимизнинг амалдаги 30 дан ортиқ қонунларида, шу жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, касаба уюшмалари фаолияти, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунлар, шунингдек, соғлиқни сақлаш, экологияга оид бошқа қонун ҳужжатларида ўз аксини топган.

“Бухорономa” газетаси мухбири Шарофиддин Раҳматуллаевнинг айтишича, Бухоро вилояти ҳокимлигига ҳуқуқий эксперимент мобайнида фуқаролардан, ННТ, ОАВдан 180 дан ортиқ сўров келиб тушган. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан тўғридан-тўғри мулоқот уюштириш, матбуот анжуманлари ташкил қилиш амалиёти йўлга қўйилди. ННТ вакиллари ҳамда фуқаролар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиқ коллегиал мажлисларида иштирок этиш усули орқали уларнинг фаолияти тўғрисидаги ахборот манбаи сифатида фойдаланмоқда. Бундай тадбирларда Бухоро вилоятида — ННТ ва ОАВнинг 42 нафар вакили ҳамда 46 нафар фуқаро қатнашди. Бу ҳам фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқий эксперимент жараёнида фаол иштирок этганидан далолатдир.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ривожлантиришда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиги халқаро лойиҳаси доирасида ташкил этилган мазкур тадбирда ОАВ ва ННТ вакиллари иштирок этди. Ушбу лойиҳа доирасида Бухоро, Самарқанд, Фарғона ва Навоий вилоятларида семинарлар уюштирилди. Уларда фуқаролик жамияти институтларини, айниқса, ННТни ривожлантириш, улар фаолиятининг ошкоралиги, очиқлигини таъминлаш бўйича мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш, бунда ОАВ ролини кучайтириш ҳамда иштирокчиларни жамоатчилик билан алоқаларни мустаҳкамлаш борасида қонунчилик базаси билан яқиндан таништириш, жумладан, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонун лойиҳалари ва айниқса, ҳудудларда “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонун лойиҳасини синовдан ўтказиш бўйича ҳуқуқий эксперимент амалга оширилаётган жараёнда ННТ ва ОАВ ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

**Қ. ХИДИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

оналик ва болаликни муҳофаза қилишга оид қонунчилик ижроси юзасидан назоратни кучайтириш ҳамда бу борада мутасадди идоралар томонидан йўл қўйилаётган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан зарур чоралар кўриш топширилди.

Ҳайъат мажлисида вилоятлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларга аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган қонунлар, шу жумладан, Олий Мажлис томонидан тасдиқланган бандлик дастури ижроси жараёнида камчилик ва нуқсонларга йўл қўйган мансабдор шахсларни қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортиш борасида кўрсатма берилди.

# Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида

2014 йилнинг “Соғлом бола йили” деб эълон қилингани муносабати билан давлат идоралари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан бу борада биргаликда чора-тадбирлар амалга оширилиши, ушбу мақсадларга ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши доимий равишда ўрганиб борилиши юзасидан вазифалар юклатилди.

Қишлоқ жойларда уй-жой, муҳандислик, транспорт коммуникациялари тармоқлари ва инфратузилма объектларини қуриш ҳамда бу соҳани ривожлантиришга оид қонун ҳужжатлари ижроси устидан доимий назорат олиб бориш юзасидан қатъий талаблар қўйилди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунлар ижросини назорат қилиш, деҳқон ва фермерларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш, қишлоқ хўжалигидаги суиистеъмолликларга барҳам бериш каби вазифаларни бажариш борасидаги фаолиятнинг самарадорлигини янада ошириш лозимлиги белгиланди.

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ жалб этишни таъминлашга ҳамда қизларни эрта турмушга бериш ҳолатларига чек қўйишга ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш масалаларига алоҳида тўхталиниб, бу соҳада ўрнатилган назорат самарадорлигини янада ошириш зарурлиги қайд этилди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолияти мувофиқлаштирилиб, улар ўртасида ўзаро ҳамкорлик таъминлаб келинганлиги таъкидланиб, бу борада кенг жамоатчиликни жалб қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шу жумладан, одам савдосига қарши кураш борасидаги ишларни жадаллаштириш ва бунда тезкор имкониятлардан самарали фойдаланиш талаб қилинди.

Шу билан бирга, ҳайъат мажлисида прокурор назоратининг бошқа айрим йўналишларида камчиликларга йўл қўйилганлиги танқид остига олинди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р. Қодиров томонидан вилоятлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, тармоқ раҳбарларига қонунлар ижроси устидан таъсирчан назоратни таъминлашда масъулиятни кучайтириш, Бош прокуратура ҳузуридаги департамент ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари бошлиқларига фаолият самарадорлигини янада ошириш борасида қатор талаблар қўйилди.

Ҳайъат мажлиси якунида кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди ва ижросини таъминлаш учун жойларга юборилди.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Бош прокуратураси Матбуот хизмати.**

---

# Олий хўжалик суди Раёсат йиғилиши

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тадбиркорларга ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишлари учун қулайликлар яратиш мақсадида эса 84 мингдан ортиқ хўжалик ишлари жойларда, яъни сайёр суд мажлисларида кўриб чиқилган.

Шунга мос равишда давлат органлари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига хилоф ҳолда чиқарилган ҳужжатларини ҳақиқий эмас, деб топиш ва айбдор мансабдор шахсларга нисбатан тегишли таъсир чоралари қўллашга алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбир иштирокчилари томонидан хўжалик судларида суд фаолиятига оид ишларни изчил ташкил этиш ва бу борадаги ички меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилгани ҳам эътироф этилди. Хусусан, хўжалик судлари суд мажлиси котиблари, хўжалик судлари судьялари фаолияти самарадорлиги юзасидан мониторинг олиб бориш, судьялар ва суд ходимлари касб малакасини ошириш ва стажировка ўтиш тартиби тўғрисидаги Низомлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари ходимларининг Касб ва ахлоқ одобномаси ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ қилинди.

Президентимизнинг 2012 йил 18 июлдаги “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонидан келиб чиққан ҳолда хўжалик судлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини самарали татбиқ этиш бўйича ҳам муайян ишлар бажарилди. Жумладан, 2013 йилнинг 1 январидан тадбиркорлик субъектлари даъво аризалари ва илтимосномаларини электрон шаклда қабул қилиш, ўтган йилнинг 1 июнидан эса суд муҳокамаси иштирокчиларига суд ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларни маълумотлар алмашинувининг электрон воситалари орқали юбориш тартиби йўлга қўйилди.

Натижада тадбиркорлик субъектлари учун катта қулайликлар яратилди, уларнинг вақти ҳамда маблағи тежалиши билан бирга, одил судлов ошкоралиги ва шаффофлиги таъминланмоқда. Буни ўтган йилда тадбиркорлик субъектлари томонидан хўжалик судларига электрон шаклда юборилган даъво аризалари ва илтимосномалар сони 1800 тадан ошгани, суд муҳокамаси иштирокчиларига 1600 га яқин суд ҳужжатлари ҳамда бошқалар судлар томонидан маълумотлар алмашинувининг электрон воситалари орқали юборилгани мисолида кўриш мумкин.

Бундан ташқари, судларда иш юритиш самарадорлигини ошириш ҳамда электрон ҳужжат алмашинувини жорий этиш мақсадида Олий хўжалик суди ва барча қуйи хўжалик судлари фаолиятини бирлаштирган ягона электрон база ишга туширилди. Ҳозирги пайтда мазкур электрон база Олий хўжалик суди томонидан қуйи хўжалик судлари фаолиятини мониторинг қилиш имконини бермоқда.

Мажлисда истиқболдаги вазифалар ҳам кўриб чиқилди. Жумладан, 2014 йилда хўжалик судлари фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгроқ жорий этиш бўйича муайян чора-тадбирларни амалга ошириш, хусусан, суд мажлисларини видеоконференция усулида ўтказиш амалиётини жорий қилиш ишлари изчил давом эттирилади. Бу тадбиркорлик субъектлари вакиллари учун ҳудуддан чиқмасдан туриб, суд процессида қатнашиш имконини беради. Ушбу тизимнинг ишга туширилиши суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқни амалга ошириш учун қулай шароит яратиб, Олий хўжалик суди томонидан ҳар қандай маълумотни жойлардаги судларга тезкорлик билан етказиш, масофадан туриб йиғилишлар, семинар ва конференциялар ўтказиш учун замин яратади.

Тадбирда 2013 йил давомида хўжалик судларида ишларни ташкил этиш борасида йўл қўйилган камчиликларга эътибор қаратилди ҳамда уларни бартараф қилиш, судья ва суд ходимлари масъулиятини янада ошириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Франция шарқидаги Вогез номли тоғли ҳудуд бетакрор табиати билан дунёга машҳур. Бу ерга ҳар йили минглаб сайёҳлар, айниқса, альпинистлар ташриф буюришади.*

## Кутилмаган кўчки



Яқинда мазкур тоғларни забт этишни мақсад қилган икки нафар спортчи бахтсиз ҳодисага учради. Улар қор кўчкиси остида қолиб кетди. Тасодиф туфайлигина иккала альпинист ҳам соғ-саломат. Уларга ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатилди.

Ажабланарлиси, Вогез тоғларида бир неча йиллардан буён қор кўчкиси кузатилмаётган эди.

## Компания ноутбуклари ўғирлаб кетилди

*“Франс пресс” ахборот агентлигининг маълум қилишича, “Coca-Cola” компаниясидан 74 минг нафар ходимга тегишли маълумотлар сақланаётган бир нечта ноутбуклар ўғирлаб кетилган.*

Айни пайтда улар ким томонидан ва нима мақсадда ўғирлангани маълум эмас. Компания матбуот котиби Энн Мурнинг айтишича, ўша ноутбукларда қайси ходимлар ҳақида маълумотлар мавжуд бўлса, уларнинг ҳар бирига ёзма равишда тушунтириш берилмоқда.

## Ғолиблар аниқланди

*АҚШ режиссёрлари Гильдияси 2013 йил якунлари бўйича энг яхши кинофильмлар номини эълон қилди.*



“Ассошиэйтед пресс” ахборот агентлиги хабарига кўра, режиссёр Альфонсо Куарон томонидан суратга олинган “Гравитация” илмий-фантастик фильми “Энг яхши режиссёрлик иши” номинациясида ғолиб, деб топилди. Рақобатда у “Капитан Филлипс”, “Қулликнинг 12 йили”, “Америкача айёрлик” ва “Уолл-стритлик бўри” фильмларини ортда қолдирди. Умуман, ушбу картиналар шу йилнинг баҳор ойи бошларида ўтказиладиган “Оскар” мукофотига ҳам асосий номзод ҳисобланади.

Маросимда, шунингдек, “Энг яхши телефильм режиссёри” номинациясидаги бош мукофот Стивен Содербергга “Қандил ортида” номли картинаси учун берилди.

## Сердаромад концертлар

*“Pollstar” нашри дунё бўйича ўтган йил давомида энг кўп даромад келтирган ва юксак савияда ташкил этилган концертлар рўйхатини нашр қилди.*

Мазкур рейтингда биринчилик хонанда Бон Жовига насиб этди. У 2013 йилда “Чунки биз амалга оширамиз” номли концерт дастурини бир нечта мамлакатларда муваффақиятли ўтказди. Бундан ташқари, қўшиқчининг “Ҳозирча” номли мусиқий альбоми тингловчилар ўртасида анча оммалашди. Бу ижодий изланишлар Бон Жовига поёнига етган йилнинг ўзида 259,5 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ келтирди.

Кейинги ўринларни хонандалардан Бейонс (188 млн.), Пинк (170,6 млн.) ва Жастин Бибер (170 млн.) эгаллади.

## Меҳмонхонада чақирилмаган «меҳмон»

*Ўзга юртда саёҳат қилиб юрганингда сени нималар кутаётганини олдиндан билолмайсан.*



Англиялик эр-хотин Боб ва Ирэн Маккеонлар Калифорнияга қилган саёҳатлари давомида бунга яққол амин бўлишди. Гап шундаки, бу оила меҳмонхонадан чиқаётган пайтда ташқарида уларни айиқ кутиб турганди. Дафъатан эшикнинг шундоққина ёнгинасидаги жониворни улар пайқашмади. Сўнг Маккеонлар машиналари томон юришди. Шунда айиқ овоз чиқариб, уларни қувлай бошлади. Ирэн автомобилга тезда ўтириб олди. Унинг турмуш ўртоғига эса айиқ бир озгина жароҳат етказди.

Бу ҳодиса меҳмонхонанинг кузатув камералари орқали тасвирга тушиб қолган. Ҳозир ушбу видео интернетда кўпчилик томонидан катта қизиқиш билан томоша қилинаяпти.

## Шифокор робот

*Хорватиянинг Загреб университетида аутизм хасталигига чалинган болаларни аниқлашга мўлжалланган робот яратилди. Унга “Рене” деб ном берилди.*

Мазкур робот шифокорлар ишини анча осонлаштириши таъкидланмоқда. Чунки у хасталикни эртароқ ва аниқ айтиб бериши мумкин. Университет илмий ходими Майя Сепанекнинг изоҳлашича, қурилма аутизмнинг қайси босқичда эканлигига ҳам ойдинлик кирита олади.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

МОДЕРНИЗАЦИЯ

*Президентимизнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида ўтган йили республикамиз ялпи ички маҳсулоти 8 фоизга ўсгани, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми эса 8,8 фоизга ошгани қайд этиб ўтилди. Қолаверса, бу даврда инфляция даражаси прогноз кўрсаткичидан паст бўлгани халқимиз турмуш фаровонлиги тобора юксалиб бораётганидан далолат беради.*



# Электр энергияси: ТАЪМИНОТ ВА ТАРАҚҚИЁТ

Албатта, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози асоратлари дунёнинг энг тараққий этган давлатларини ҳам жиддий муаммолар гирдобига солаётган мураккаб бир вазиятда юртимизда бундай юқори ўсиш суръатлари қайд этилаётгани жуда қувонарлидир. Зеро, мазкур жараёнда ҳар бир неъматдан, ҳар бир имкониятдан тўғри, оқилона фойдаланаётганимиз, барча соҳалар изчил ва босқичма-босқич модернизация қилиниб борилаётгани муҳим омил бўлмоқда.

Масалан, бугунги глобаллашув даврида техник ва технологик янгиланишлар ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб улгурди. Янги-янги ихтиро ва кашфиётлар сабаб саноат тармоқлари энг сўнгги русумдаги инновацион қурилмалар, замонавий дастгоҳ ва ускуналар асосида ўз фаолиятини тобора такомиллаштириб бораётир. Турмуш тарзимизга кўплаб маиший техника воситалари кириб келмоқда. Қолаверса, ўтаётган кунимизни илғор ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Буларнинг бари — электр энергиясига бўлган талаб ва эҳтиёжнинг ортишига сабаб бўлаяпти. Шу боис соҳага масъул таъминот корхоналари ўз фаолиятини босқичма-босқич модернизация қилиш йўлидан боришмоқда.

Хусусан, “Toshkent shahar elektr tarmoqlari korxonasi” очиқ акциядорлик жамияти пойтахтимиз аҳолиси ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳа объектларини электр энергияси билан таъминлашга масъул. Кейинги йилларда жамиятда кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада яхшилаш, тизимга замонавий технология ва ускуналарни жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, электр энергиясидан тежамкорлик билан фойдаланиш, қувватларни тўғри тақсимлаш ва истеъмол қилиш жараёнига ҳисобот ҳамда назорат услубларини татбиқ этишга эришилаяпти. Масалан, “Ўзбекэнерго” давлат-акциядорлик компанияси томонидан биллинг тизими жорий этилиши соҳада кўплаб муаммолар ечимига йўл очди. Яъни электр энергиясини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини қўллаш бўйича салмоқли натижалар қўлга киритилди. Мазкур жараёнда “Электр ҳисоблагич” дастурий мажмуаси, айниқса, асқатмоқда. Ушбу янгилик натижасида электр энергияси учун ҳақ тўлаш жараёни соддалаштирилди, ундан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиш қатъий назоратга олинди. “Paynet” ва “SMS-to‘lov” тизимлари жорий этилди. Бу орқали ҳар бир фуқаро мамлакатимизнинг исталган ҳудудидан хизматлар учун тўловларни амалга ошириши мумкин. Дастур “он-лайн” тизими асосида истеъмолчига “шахсий кабинет” ёки “SMS” — хабар орқали тезкор маълумотлар етказилишини таъминлайди. Унда жорий ҳисоб рақам баланси, ҳисоблагич кўрсаткичлари, аввалги ҳисоб-китоблар ва жорий тўловларга оид ахборотлар жамланган. Истеъмолчи, шунингдек, носозликларни бартараф этиш, тегишли тавсия ва кўрсатмалар олиш, ҳисоблагични алмаштириш каби масалалар юзасидан мутахассисга мурожаат қилиш, уни хонадонига чақириш имкониятига ҳам эга. Бундан ташқари, реал вақт режимида энергия таъминоти корхоналари фаолиятини мониторинг қилишда мазкур тизимнинг афзалликлари кўп. Энг муҳими, ана шу янгилик электр энергияси сарфига доир қарздорлик ҳолатларини аниқлаш, истеъмолчига кўрсатма, огоҳлантириш беришда асқатмоқда. Бинобарин, унинг жорий этилиши туфайли фуқаролар вақти тежалаётир, фойдаланилган электр энергияси ҳақи ўз вақтида тўланишига эришилаяпти.

— Энергетика тизимини бежизга иқтисодиётнинг қон томирига қиёслашмайди, — дейди “Toshkent shahar elektr tarmoqlari korxonasi” очиқ акциядорлик жамияти раҳбари Маҳамат Икрамов. — Зеро, бугунги жадал тараққиёт даврини энергетика қувватларисиз тасаввур этиш мушкул. Шу боис кейинги йилларда мамлакатимизда мазкур тизимни модернизация қилиш, энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасидаги ишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда жамиятимиз жамоаси ҳам фаол иштирок этаяпти. Чунончи, олиб борилган изчил чора-тадбирлар туфайли пойтахтимиздаги барча корхоналар, маиший, ижтимоий соҳа объектлари, уй-жой ва коммунал хўжаликларни электр энергияси билан таъминлаш жараёнлари барқарорлаштирилди. Янги интерфаол ахборот технологиялари жорий қилиниши натижасида электр энергиясидан хўжасизларча фойдаланиш устидан кучли назорат ўрнатилди. Бу борадаги ишлар кундан-кунга кучайтириб борилмоқда.

Айтиш жоизки, дунёда углеводород захиралари тобора камайиб бораётган бир пайтда энергия манбаларини тежаб-тергаб, ортиқча исроф қилмай сарфлаш талаб этилади. Чунки уларни ҳосил қилиш ниҳоятда мураккаб ва мушкул жараён. Бинобарин, қувватларни ишлаб чиқаришга давлатимизнинг қанчадан-қанча маблағи сарфланаяпти. Соҳа ходимларининг машаққатли меҳнати-чи? Шу боис “Toshkent shahar elektr tarmoqlari korxonasi” жамоаси истеъмолчиларни фойдаланилган электр энергияси хизматлари ҳақини ўз вақтида тўлаш, қарздорликка йўл қўймасликка чақириб, бу уларнинг нафақат шартномавий, балки фуқаролик бурчи эканлигини эслатишдан чарчамайдилар.

Зеро, юксак масъулият, юқори сифат ва қулай шарт-шароит ҳар бир соҳа ривожини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шу маънода, бугун юртдошларимизнинг замонавий қулайликлардан доимо баҳраманд бўлиши барчамизнинг оқилона саъй-ҳаракатларимизга ҳам боғлиқ.

**Усмон УСМОНОВ.**

Реклама ўрнида

Эълон

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Қашқадарё вилояти филиали

*бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.*

Аукцион савдосига Шаҳрисабз тумани СИБ томонидан ЖИБ Қашқадарё вилояти судининг 2012 йил 25 сентябрдаги 2-79-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шаҳрисабз тумани, «Аъзам» ишлаб чиқариш ва савдо фирмасига тегишли, Шаҳрисабз тумани, «Шаматон» ҚФЙ, Пахтакор ва Шаматон қишлоқларида жойлашган қуйидаги кўчмас мулклар арзонлаштирилган нархда такроран қўйилмоқда:

**1.** Умумий майдони 2100 кв.м., қурилиш майдони 1035,35 кв.м., фойдаланиш майдони 1043,37 кв.м. бўлган савдо маркази.

***Бошланғич баҳоси — 522 927 000 сўм.***

**2.** Умумий майдони 7700 кв.м., қурилиш майдони 1018,14 кв.м., фойдаланиш майдони 898,56 кв.м. бўлган трактор гаражи биноси.

***Бошланғич баҳоси — 115 033 300 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 14 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 12 февраль куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Қашқадарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609009, МФО: 00190, СТИР: 207122519.

**Манзил: Қарши шаҳри, «Қарлиқхона» МФЙ, Тошсарой кўчаси, 20-уй.
Телефон: (8-375) 225-44-58. www.1kms.uz**

165А/1453

*Лицензия: RR-0001.*

**«Тошкент труба заводи» ҚК**

**ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни харидорларга тақдим этади.**

**Мисланган пайвандлаш сими**
СВ08Г2С, ГОСТ 2246-70,
∅ 0.8, 1.0, 1.2, 1.4, 1.6, 2.1, 2.5, 3.5, 4.0, 5.0,
баҳоси 1 тонна учун 5 500 000 сўмдан бошлаб.



**Тўқиладиган ва мих ишлаб чиқаришда қўлланиладиган сим,**
∅ 0.8, 1.0, 1.2, 1.4, 1.6, 2.1, 2.5, 3.5, 4.0, 5.0,
баҳоси 1 тонна учун 3 300 000 сўмдан бошлаб.

**Конструкцияда фойдаланиладиган профиллар, ўлчамлари:** 80х40х15, 100х40х15, 100х50х20, 120х60х20, 140х60х20, 160х70х20, 180х70х20, 200х70х20 ҳажмли, девор қалинлиги 2.0-4.0 мм., баҳоси 1 тонна учун 2 900 000 сўмдан бошлаб.



***(нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)***

**МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.**

**Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.**

61R/956

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Хоразм вилояти филиали

*бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.*

**1.** Аукцион савдосига Хива тумани СИБ томонидан Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судининг 2013 йил 3 июлдаги 22-1305/2074-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Zafar Invest Impex» МЧЖга тегишли, Хива шаҳри, Калтаминор маҳалласи, К. Якубов кўчаси, 71-уйда жойлашган, умумий ер майдони 5 451,42 кв.м., қурилиш ости майдони 1 383,49 кв.м. бўлган, 97 хонадан иборат меҳмонхона биноси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 000 000 000 сўм.***

**2.** Аукцион савдосига Урганч шаҳар СИБ томонидан Хоразм вилояти хўжалик судининг 2013 йил 15 ноябрдаги 9279-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Карван Хива» хусусий корхонасига қарашли, Хива шаҳри, К. Якубов кўчасида жойлашган, умумий ер майдони 968,97 кв.м., шундан қурилиш ости майдони 497,00 кв.м. бўлган ресторан биноси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 760 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 13 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 11 февраль куни соат 18.00.

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги мулклар 2014 йил 13 февраль куни сотилмаган тақдирда, уларни сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2014 йил 28 февраль куни бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 26 февраль куни соат 18.00.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Хоразм вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» «Тинчлик» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609036, МФО: 00580, СТИР: 207122519.

**Манзил: Урганч шаҳри, Й. Бобожонов кўчаси, 23-уй.
Телефон: (8-362) 226-32-63.
www.1kms.uz rieltsavdo@inbox.uz**

166А/1453

***Лицензия: RR-0001.***

### Хабар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2014 ЙИЛ 18 ЯНВАРДАН 24 ЯНВАРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. «Товар бозорида хўжалик юритувчи субъектлар бирлашмаларини ташкил этиш, хўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юбориш ва қўшиб олиш устидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2014 йил 10 январдаги 01/19-26/01-сонли қарори.*

**2014 йил 20 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2351-1 (2014 йил 27 январдан кучга кирди).**

2. «Табиий монополия субъектлари томонидан асосий воситаларни сотиб олиш ёки бериш бўйича битимларни амалга ошириш устидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома ҳамда унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2014 йил 10 январдаги 01/17-26/02-сонли қарори.*

**2014 йил 20 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 913-6 (2014 йил 27 январдан кучга кирди).**

3. «Биржа савдоларига қўйиладиган, шу жумладан такроран қўйиладиган маҳсулотларнинг ҳажмларини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлигининг 2013 йил 31 декабрдаги 01/09-26/27, 55-сонли қарори.*

**2014 йил 21 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2178-1 (2014 йил 27 январдан кучга кирди).**

4. «Шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари тўғрисидаги намунавий низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлигининг 2014 йил 22 январдаги 1, 59-сонли қарори.*

**2014 йил 24 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1279-6 (2014 йил 27 январдан кучга кирди).**

5. «Гўшт-сут маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи, шу жумладан заҳарланган хом ашё билан ишловчи ходимлар учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2013 йил 31 декабрдаги 88-Б-сонли буйруғи.*

**2014 йил 24 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2557 (2014 йил 27 январдан кучга кирди).**

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. «Товар бозорида хўжалик юритувчи субъектлар бирлашмаларини ташкил этиш, хўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юбориш ва қўшиб олиш устидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низом» *(рўйхат рақами 2351, 2012 йил 5 апрель). Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган.*

***Адлия вазирининг 2014 йил 20 январдаги 20-мҳ-сонли буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.***

2. «Табиий монополия субъектлари томонидан асосий воситаларни сотиб олиш ёки бериш бўйича битимларни амалга ошириш устидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома», 1–5-сон ўзгартиришлар *(рўйхат рақами 913, 2000 йил 27 март), (рўйхат рақами 913-1, 2008 йил 3 май), (рўйхат рақами 913-2, 2010 йил 5 июль), (рўйхат рақами 913-3, 2010 йил 29 октябрь), (рўйхат рақами 913-4, 2012 йил 6 март), (рўйхат рақами 913-5, 2013 йил 30 июль). Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси томонидан тасдиқланган.*

***Адлия вазирининг 2014 йил 20 январдаги 21-мҳ-сонли буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.***

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

**Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги**

**Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби**

**кафедралар бўйича қуйидаги бўш (вакант) ўринга юқори малакали мутахассислар танловини эълон қилади.**

**Санъат тарихи ва назарияси кафедраси бўйича:**
* ўқитувчи — 1 ўрин.

**Аризалар эълон чоп этилганидан сўнг 1 ой муддатда қабул қилинади.**

**Олий мактаб манзили: 100031, Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 31-уй.
Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 256-33-59, 256-36-91.
Факс: (8-371) 256-24-36.**

*Ректорат.*

162А/829

# Фарзандлар камоли — олий саодат

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Вилоятимизда 2003 — 2013 йилларда жами 94 та болалар спорти объекти бунёд этилиб, ёшлар ихтиёрига берилди, — дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Хоразм вилояти филиали директори Комилжон Ибраимов. — Биргина ўтган йилнинг ўзида воҳада еттита спорт иншооти фойдаланишга топширилди. Урганч туманидаги болалар спорт мажмуаси, Қўшкўпир туманидаги спорт мактаби, Хива, Урганч, Янгиариқ, Хонқа, Гурлан туманларидаги янги спорт заллари шулар жумласидандир. Эътиборли жиҳати, мазкур иншоотларнинг 80 фоиздан ортиғи қишлоқларда жойлашган. Уларнинг замонавий спорт жиҳозлари ва инвентарлари билан тўла таъминлангани машғулотларни бекаму кўст ўтказишда муҳим аҳамият касб этаётир. Бугунги кунда вилоятдаги мавжуд спорт иншоотларида доимий ва соғломлаштириш гуруҳларида шуғулланувчилар сони 152453 нафарга етди. Шундан 59433 нафари қизлардир.

Шуларга ҳамоҳанг тарзда турли спорт мусобақалари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ўқувчи-ёшлар ўртасида спортнинг миллий ва оммавий турлар бўйича 190 га яқин тадбирлар ўтказилди. Уларда 21 минг нафардан зиёд ўғил-қиз ўз истеъдод ва маҳоратини намойиш қилди.

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, воҳада спортнинг нафис тури ҳисобланган бадиий гимнастика ҳам кенг оммалашиб бормоқда.

— Бадиий гимнастика бетакрор мусиқий оҳангларга уйғун тарзда киши руҳиятига ижобий таъсир этади, — дейди мураббий Динара Бозорова. — Инсоннинг кайфияти, руҳий олами ва феъл-атворида гўзалликка, эзгуликка мойиллик уйғотади. Бу эса, табиийки, соғлом турмуш тарзининг муҳим омилларидан биридир. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда вилоятимизда мазкур спорт тури билан шуғулланувчи қизлар сони тобора ортиб бораяпти. Бунга воҳада фаолият олиб бораётган бадиий гимнастика секцияларида 2200 нафардан зиёд қиз шуғулланаётгани яққол далил бўла олади. Ваҳолонки, 2003 йилда улар сони 50 нафарга ҳам етмасди.

Ўзим ҳозир 21 нафар қизга сабоқ бераяпман. Шогирдларим орасидан келажакда мамлакатимиз шаънини халқаро майдонларда муносиб ҳимоя қиладиган кўплаб истеъдодли бадиий гимнастикачилар етишиб чиқишига ишонаман.

Хоразмлик ўғил-қизларнинг яратилган имкониятлар, кўрсатилаётган ғамхўрликларга жавобан улкан марраларни забт этишаётгани қувонарлидир. Масалан, ўтган йили Тошкент шаҳрида спортнинг сузиш тури бўйича ўтказилган республика биринчилигида вилоят терма жамоаси аъзолари Ортиқ Каримбоев, Азиз Отажанов ва Отамурод Отажанов совринли ўринларни эгаллашди. Бухоро вилоятида ташкил этилган кўл тўпи ва минифутбол бўйича республика мусобақаларида вилоят терма жамоаси муносиб қатнашди. Ёш полвон Ғулом Абдуллаев эса, мана, бир неча йилдирки, эркин кураш бўйича республика ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда ғолиб ва совриндорлар сафидан жой олиб келмоқда. Сабоҳат Саидова спортнинг дзюдо тури бўйича эришган натижалари билан тенгдошлари орасида алоҳида намуна кўрсатаяпти.

Умуман, биргина ўтган йили хоразмлик спортчи ёшлар халқаро мусобақаларда фаол қатнашиб, 32 та олтин, 35 та кумуш ва 47 та бронза медаль соҳиби бўлишди.

Воҳада болалар спортини ривожлантириш борасидаги ишлар Соғлом бола йилида изчил давом эттирилади. Жорий йилда Урганч шаҳрида битта ёпиқ сузиш ҳавзаси, иккита спорт зали, Шовот, Янгиариқ туманларида болалар спорт мактаби, Шовот, Ҳазорасп, Хива, Гурлан, Янгиариқ туманларида эса янги спорт заллари бунёд этиш кўзда тутилган.

Албатта, беқиёс ғамхўрликлардан баҳраманд бўлиб, замонавий шарт-шароитларда таълим-тарбия олаётган, спорт билан шуғулланаётган ёшларимиз Ватан шуҳратини юксакларга кўтаришни ўз бурчлари, деб биладилар.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



*Нафосат, маҳорат, муваффақият*

Азамат ЗАРИПОВ сурат-лавҳаси.

# Йилнинг энг яхши банки аниқланди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу ўринда таъкидлаш керакки, мамлакатимизда аҳоли бўш пул маблағларини омонатларга жалб этишнинг рағбатлантирувчи роли ҳам шакллантирилди. Президентимизнинг 2008 йил 20 февралдаги "Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига асосан, омонатга қўйилган маблағлар барча турдаги солиқлардан озод қилинган бўлиб, омонатчилар ушбу маблағларни чекловларсиз тасарруф этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бу каби қулайликлар туфайли жалб этилаётган омонатлар ҳажми йил сайин кўпайиб бораётир. Масалан, ўтган йили бу борадаги кўрсаткич 2012 йилдагига нисбатан 30,3 фоиз оширилди. Табиийки, бунда миллий ва хорижий валютада 250 дан ортиқ жозибали омонат турлари жорий қилингани айни муддао бўлди.

Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биносида ташкил этилган 2013 йил якунлари бўйича танлов ғолиб ва совриндорларини тантанали тақдирлаш маросими муносабати билан тижорат банклари мутахассислари, кенг жамоатчилик вакиллари жам бўлди. Унда сўзга чиққан Марказий банк бошқаруви раиси Ф. Муллажонов ва бошқалар давлатимиз раҳбари томонидан банк тизимини изчил ислоҳ қилиш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, аҳолининг банк хизматлари тўғрисида хабардорлигини ошириш борасида белгилаб берилган вазифаларнинг ижросини таъминлашда мазкур танлов муҳим аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидладилар.

Танлов ташкилотчиларининг айтишича, иштирокчилар сафи йил сайин кенгайиб бормоқда. Хусусан, бу гал унда 28 та тижорат банки, 837 та филиал, 4196 та минибанк ва махсус касса қамраб олинди. Пировардида ғолибликка даъвогарлар орасидан энг муносиблари сараланди.

— Танловнинг "Қишлоқ жойларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши филиали" номинациясида биринчи ўринга сазовор бўлиб, Президент совғаси — "Дамас" автомобили билан тақдирландик, — дейди ОАТ "Алоқабанк"нинг Навоий филиали бошқарувчиси Азизжон Орипов. — Бундай юксак эътироф зиммамиздаги масъулиятни янада ошириб, қўлга киритилаётган муваффақиятларни мустаҳкамлаш, аҳоли даромадларини кўпайтиришга хизмат қиладиган янги-янги омонат турларини жорий этишга ундайди. Бугунги кунда филиалимиз томонидан аҳолининг бўш пул маблағлари 22 тадан зиёд муддатли омонатларга жалб қилинаяпти. Бу омонатлар икки томонлама манфаатли ва жозибадорлиги, шунингдек, аҳолининг барча ёш қатламлари инобатга олингани туфайли уларга қизиқиш катта.

Танлов натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки "Аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши банки" деб топилди. "Шаҳарларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши филиали" номинациясида биринчи ўрин "Ориент Финанс" ХЕАТ банкининг Амалиёт бошқармасига, "Пластик карточкалар асосида иш ҳақи лойиҳаларини амалиётга жорий этиш бўйича энг яхши банк филиали" номинациясида ғолиблик "Ўзсаноатқурилишбанк" ОАТБнинг Фарғона вилояти Қиргули филиалига насиб этди. Шунингдек, "Шаҳарларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши минибанки" сифатида Халқ банкининг Шайхонтоҳур филиали "Камолон" минибанки, "Қишлоқ жойларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши минибанки" сифатида "Ўзсаноатқурилишбанк" ОАТБнинг Қашқадарё минтақавий филиали "Китоб" минибанки, "Шаҳарларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши жамғарма/махсус кассаси" номинацияси бўйича Халқ банкининг Чирчиқ филиали жамғарма кассаси, "Қишлоқ жойларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши жамғарма/махсус кассаси" бўйича эса "Ўзсаноатқурилишбанк" ОАТБнинг Қоровулбозор филиалига қарашли 9-сонли жамғарма кассаси ғолиб, деб эътироф этилди.

Бундан ташқари, ўн битта қўшимча номинация бўйича ҳам совриндорлар аниқланиб, уларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

СПОРТ

# Боксчиларимиз мусобақани ғалаба билан бошлашди

*Шу кунларда Таиланд пойтахти Бангкок шаҳри бокс бўйича ёшлар ўртасидаги навбатдаги Осиё чемпионатига мезбонлик қилмоқда.*

Унда қитъамизнинг йигирмага яқин мамлакатидан 100 нафардан зиёд спортчи совринли ўринлар учун кураш олиб бораяпти. Нуфузли мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси тўлиқ таркиб билан қатнашмоқда. Хусусан, мураббийлар Осиё чемпионатига мамлакат биринчилиги ва кубоги баҳсларида сараланиб, кейинчалик халқаро майдонларда ҳам ўзини кўрсатган Беҳзодбек Турсунбоев, Абдулҳай Шораҳматов, Иқболжон Холдоров, Фазлиддин Мелибоев, Маҳмуд Ғоипов, Бектемир Меликўзиев, Козимбек Мардонов, Азизбек Шукуров, Асилбек Солиев ва Шоҳрух Эркинов каби истеъдодли ёшларни жалб этишган.

Таъкидлаш жоизки, шу пайтгача турли ёш тоифаларида ўтказилган қитъа чемпионатларида ўзбекистонлик боксчилар мунтазам юқори ўринларга сазовор бўлиб келишган. Масалан, ёшлар ўртасида ташкил этилган мусобақаларда ҳамюртларимиз 10 та олтин, 7 та кумуш ва 10 та бронза, жами 27 медаль жамғаришган. Шу боис мутахассислар бу сафар ҳам терма жамоамиз аъзоларининг имкониятини юқори баҳолашмоқда.

Қувонарли жиҳати, бу фикрлар қайсидир маънода мусобақа аввалидаёқ ўзини оқлади. Хусусан, 52 кг. вазн тоифасида Абдулҳай Шораҳматов дастлабки беллашувда Хитой Тайпейи вакили По Вей Чиюдан очколар ҳисобида устун келди. Яна бир вакилимиз Фазлиддин Мелибоев (60 кг.) эса непаллик Саураб Ламани нокаутга учратди.

Ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионлигига эришган Козимбек Мардонов ёшлар ўртасидаги мусобақани ҳам юқори суръатда бошлади. 75 килограмм вазн тоифасида баҳсларга киришган боксчимиз биринчи беллашувида Хитой Тайпейи терма жамоаси аъзоси Чинг Фенг Линни енгди.

Чемпионатдаги иштирокини чорак финал босқичидан бошлаган Бектемир Меликўзиев (69 кг.) ва Азизбек Шукуров (81 кг.) ҳам кейинги босқичга йўл олди. Бектемир фаластинлик Мотасем Бебухни, Азизбек эса Жанубий кореялик Ким Донг Жуни катта устунлик билан мағлубиятга учратди.

Мусобақанинг барча ғолиб ва совриндорлари номи 30 январь куни маълум бўлади.

**Фазлиддин АБИЛОВ**
**тайёрлади.**


● Реклама ва эълонлар ●

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**
**Навоий вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига таклиф этади.***

**1.** Аукцион савдосига Навоий шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Навоий шаҳар судининг 2011 йил 20 февралдаги 1/482/11-сонли ижро варақасига асосан, «Orient-r-Navoiy» ИЧТФдан хатланган, Кармана тумани, «Нарпай» ҚФЙ ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 8645 кв.м., фойдаланиш майдони 133,87 кв.м., умумий майдони 1628,48 кв.м. бўлган 11 хонадан иборат молхона биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 290 436 192 сўм.***

**2.** Аукцион савдосига Навоий шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Навоий вилояти судининг 2010 йил 27 августдаги 09-63-10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Х. Аҳмедовга тегишли, умумий майдони 600 кв.м. бўлган Навоий шаҳри, Умид қўрғонида жойлашган тураржой бинолари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 117 660 993 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 28 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 26 февраль куни соат 18.00.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Навоий вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Навоий филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609007, МФО: 00205, СТИР: 207122519.

**Манзил: Навоий шаҳри,**
**«Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ**
**Навоий вилояти филиали.**
**Телефон: (8-436) 224-15-61.**
**www.1kms.uz rieltsavdo@inbox.uz**

***Лицензия: RR-0001.***

169R/1453



**«Universal auktsion invest» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиали**

**очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

**2014 йил 12 февраль куни соат 15.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги мулклар қўйилмоқда: Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик судининг 2010 йил 4 январдаги 23-0903/12806-сонли, 2013 йил 4 мартдаги 23-1307/2074 (17)-сонли ва 2013 йил 6 июндаги ижро варақаларига асосан, Беруний ва Шуманай туманлари СИБ томонидан хатланган, Беруний тумани, «Алгабас» МТПда вақтинча сақланаётган:**

● 1950 йилда ишлаб чиқарилган, «ЗИЛ-150» русумли автомашина, давлат рақами 23 AJ 110.

*Бошланғич баҳоси — 623 778 сўм.*

**Беруний тумани, Бройлер фабрикаси аҳоли пунктида вақтинча сақланаётган:**

● 1989 йилда ишлаб чиқарилган, «ЗИЛ-431410» русумли автомашина, давлат рақами 23 А 1707.

*Бошланғич баҳоси — 9 699 548 сўм.*

● 1991 йилда ишлаб чиқарилган, «Т-28Х4 МС1» русумли трактор, давлат рақами 02-50 ЕГ.

*Бошланғич баҳоси — 4 784 751 сўм.*

● 1991 йилда ишлаб чиқарилган, «Т-28Х4 МС1» русумли трактор, давлат рақами 02-52 ЕГ.

*Бошланғич баҳоси — 4 784 751 сўм.*

● 1990 йилда ишлаб чиқарилган, «МПР 9924 ГАЗ-52» русумли автотранспорт воситаси, давлат рақами 04-89 КПН.

*Бошланғич баҳоси — 611 137 сўм.*

Шуманай тумани, «Бег жап» ОФЙда вақтинча сақланаётган, 1981 йилда ишлаб чиқарилган «ГКТП 1000 кВа» русумли трансформатор тўплами.

*Бошланғич баҳоси — 32 330 430 сўм.*

**Амударё тумани ЖИБ судининг 2013 йил 4 сентябрдаги 1-176-сонли, 2013 йил 6 сентябрдаги 1-171-сонли ва 2013 йил 19 сентябрдаги 1-190-сонли ижро варақаларига асосан, Беруний тумани СИБ томонидан хатланган, Беруний ИИБда вақтинча сақланаётган:**

● 1973 йилда ишлаб чиқарилган «ГАЗ-24» русумли автомашина, давлат рақами 23 С 4454.

*Бошланғич баҳоси — 610 200 сўм.*

● Ишлаб чиқарилган йили номаълум, «ГАЗ-24» русумли автомашина, давлат рақами 22 Е 7983.

*Бошланғич баҳоси — 2 268 000 сўм.*

● 1991 йилда ишлаб чиқарилган, «М412» русумли автомашина, давлат рақами 23 L 2370.

*Бошланғич баҳоси — 653 400 сўм.*

Мазкур кўчмас мулклар ушбу кундаги савдода сотилмаган тақдирда, уларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2014 йил 27 февраль куни бўлиб ўтади.

**2014 йил 27 февраль куни соат 15.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Нукус шаҳри ва Қўнғирот тумани ЖИБ судларининг 2013 йил 9 ноябрдаги 1-417 ва 2013 йил 22 ноябрдаги 214-13-сонли ижро варақаларига асосан, Нукус шаҳар СИБ томонидан хатланган, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ЙҲХБ ва «Қорақалпоқулгуржисавдо» МЧЖга қарашли божхона омборида вақтинча сақланаётган қуйидаги мулклар қўйилмоқда:**

● 2011 йилда ишлаб чиқарилган, «Spark-M300 BDD C/K» русумли автомашина, давлат рақами 95 H 717 BA.

*Бошланғич баҳоси — 29 925 000 сўм.*

● 2000 йилда ишлаб чиқарилган, «Mersedes-benz 211 CDI» русумли микроавтобус, давлат рақами 35 V 0929.

*Бошланғич баҳоси — 31 500 000 сўм.*

● 2000 йилда ишлаб чиқарилган, «RYDWAN A750» русумли тиркама, давлат рақами 01 L 915.

*Бошланғич баҳоси — 2 160 000 сўм.*

Мазкур мулклар ушбу кундаги савдода сотилмаган тақдирда, уларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2014 йил 14 март куни бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 16.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 12 февраль кунидаги савдога 10 февраль куни, 27 февраль кунидаги савдога 25 февраль куни ва 14 март кунидаги савдога 12 март куни соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Universal auktsion invest» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиалининг ОАТ «Турон» банки Нукус филиалидаги МФО: 00585, СТИР: 302083379, 20208000504932168029 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли вакил қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили:**
**Нукус шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 122-уй, 2-қават, 17-хона.**
**Мурожаат учун телефон: (8-361) 222-11-73.**

**Гувоҳнома № 004059.**

168A/870





**«Қибрай»**

*клиник санаторийси*

**юрак-қон томир ва асаб тизими касалликларини даволаш бўйича мамлакатимиздаги етакчи ихтисослаштирилган сиҳатгоҳдир. Бу ерда 2 нафар профессор, олий тоифали кардиолог, невропатолог, пульмонолог ва бошқа етук мутахассислар тиббиётнинг энг илғор усуллари асосида беморларни даволайдилар.**

**Сиҳатгоҳда фитобар, теннис корти ва яна кўплаб қулайликлар мавжуд. Яшаш хоналари кабель ТВ ва маиший электр асбоблари билан жиҳозланган.**

**Ошхонада 5 маҳал парҳез таомларни ўз ичига олган таомнома тавсия қилинади.**

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

***Манзилимиз:***

**Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай қўрғони. Метронинг «Буюк Ипак йўли» бекатидан 101-автобус ёки 135-йўналишли таксида «Дача» бекатигача бориш мумкин.**

***Тел.: (8-371) 286-02-00, 286-01-97, 286-01-46.***

47/6


"Ипотека-банк" акциядорлик тижорат ипотека банки бошқаруви ва меҳнат жамоаси Ғазначилик бошқармаси бошлиғи Жаҳонгир Фаязовга падари бузруквори

**МАҲАММАДЖОН отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент автомобиль-йўллар институти жамоаси Автотрактор двигателлари ва транспорт экологияси кафедраси ўқитувчиси Жавлон Жалиловга падари бузруквори

**Халил ЖАЛИЛОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва касаба уюшма қўмитаси Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси катта ўқитувчиси Бобоқул Раҳмоновга қизи

**Дилора РАҲМОНОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


**Халқ сўзи**
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 169. 145 342 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

**Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.**
**Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.**

**Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.**

**• МАНЗИЛИМИЗ:**
**100000,**
**Тошкент шаҳри,**
**Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**

**Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.**
**Навбатчи — Ю. Бўронов.**
**Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 21.40** 1 2 3 4 5